

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИ ВА ИШЧИ СЧЁТЛАР РЕЖАСИНИ ТУЗИШНИНГ МУАММОЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Хожиев Мехриддин Сулаймонович

Тошкент давлат иқтисодийёт университети "Аудит" кафедраси профессори, DSc, Тошкент, Ўзбекистон. email: dj.msx@mail.ru ORCID: 0000-0002-0968-5726

DIFFICULT ASPECTS OF ACCOUNTING POLICY AND WORKING ACCOUNTS PLANNING IN NON-STATE NON-PROFIT ORGANIZATIONS

Khojiyev Mexrididin Sulaymonovich

DSc, Professor of the "Audit" Department of Tashkent State University of Economics, Tashkent, Uzbekistan. email: dj.msx@mail.ru ORCID: 0000-0002-0968-5726

Аннотация. Ушбу мақоламизда нодавлат нотижорат ташилотларида ҳисоб сиёсати ва ишчи счётлар режасини тузишнинг муаммоли жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, ННТлар махсус ҳисоб сиёсати таркибидаги элементлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан тегишлича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда мавзу юзасидан хулосалар келтириб ўтилган.

Бу эса ўз навбатида нодавлат нотижорат ташилотлари (ННТ) нодавлат нотижорат ташилотларида ҳисоб сиёсати ва ишчи счётлар режасини тузиш орқали бухгалтерия ҳисобини соддалаштириш имкониятини яратган. Шу билан бир қаторда мақолада мақсадли ишлатиш мақсадида сотиб олинган асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобини юритиш учун ННТ ишчи счётлар режасида қўллаш бўйича счётлар тавсиялари кенг очиб берилган. Ушбу муаммоларни илмий мақоламизда ёритиш жараёнида "Нодавлат нотижорат ташилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 33-моддасига асосан нодавлат нотижорат ташилотлари ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этилишини ўрганиб чиқдик.

Ҳозирги кунда амалдаги

бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи миллий тизими асосан тижорат ташилотларининг молиявий ҳисоботлари ишончилигини таъминлашга, уларнинг иқтисодий фаолиятига оид фактларни гуруҳлаш ва баҳолаш, активларнинг қийматини қоплаш, ҳужжат айланишини ташиқил этиш усуллари, инвентаризация қилиш, бухгалтерия ҳисобида счётларини қўлланилиши усуллари, регистрларни ҳисобга олиш тизими, ахборотни қайта ишлаш ва бошқа ҳисобга тегишли усулларни қўлланилишига мўлжалланган. Бу эса ННТларнинг молиявий мустаҳкамлиги малакатмизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторида ўзининг нуфузини ҳар томонлама мустаҳкамлаб бориши долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Abstract. This article discusses the problematic aspects of drawing up an accounting policy and a working chart of accounts in non-state non-profit organizations (NSNPOs). It also develops relevant proposals and recommendations on the elements of a special accounting policy for NSNPOs and their specific features, and draws conclusions on the topic.

This, in turn, has created an opportunity for non-state non-profit organizations (NSNPOs) to simplify accounting by developing an accounting policy and a working chart of accounts. At the same time, the article provides extensive

accounting recommendations for use in the NSNPOs working chart of accounts to account for fixed assets and intangible assets purchased for their intended use. In the process of covering these issues in our scientific article, we learned that, based on Article 33 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Non-State Non-Profit Organizations", a non-state non-profit organization must keep records of the results of its activities and submit reports to the registrar, tax and statistical authorities in the established manner.

The current national accounting system is designed to ensure the reliability of financial statements of commercial organizations, grouping and evaluating facts about their economic activities, recording the value of assets, organizing document turnover, inventorying, methods of using accounts in accounting, a system of accounting registers, information processing and other accounting-related methods intended for use. It is one of the most urgent issues that the financial strength of NSNPOs will strengthen our reputation among the developed countries of the world in every way.

Калим сўзлар: Нодавлат нотижорат ташилот (ННТ), тижорат ташилот, ҳисоб сиёсати, ишчи сётлар режаси, бухгалтерия ҳисоби, пул маблағлари мақсадли тушум, грандлар, бегараз ёрдам маблағлари, молиявий ҳисобот.

Key words: Non-state non-profit organizations (NSNPOs), commercial organization, accounting policy, working chart of accounts, accounting, targeted cash receipts, grants, non-discriminatory assistance funds, financial reporting.

Кириш.

Мамлакатимизда аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди. Бу ҳолат малакатмизни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторида ўзининг нуфузини ҳар томонлама мустаҳкамлаб

бораёганлигининг исботидир.

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: "Ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир. Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади" [1]. Бундай вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташилотларининг ташаббускорлик дастурлари аҳолини ҳуқуқий муҳофаза қилишга, уларга бепул юридик маслаҳатлар беришга, ҳуқуқий маорифга, қўллаб-қувватлашга муҳтож шахсларни (ногиронлар, болаларни) ҳимоя қилишга, уларга аниқ моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга қаратилгандир.

Шу ўринда барча ташилотлар бухгалтерия ҳисоби юритишга мажбурийлиги қонунчилик даражасида, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган [2]. Ушбу Қонунга мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектлари ҳисобланади. Шундай экан, нодавлат нотижорат ташилотлари барча бошқа ташилотлар сингари ўз бухгалтерия ҳисобини юритиши учун ҳисоб сиёсати ва ишчи сётлар режасини тузиши лозим.

Материал ва метод. Бугунги кунда йирик тижорат компаниялари ва акциядорлик жамиятлари дастлабки фаолияти ташилот этишда бухгалтерия ҳисоб сиёсати ва ишчи сётлар режасини тузиш масалаларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда иқтисодчи олимларнинг асарларида кенг эътибор қаратилган.

Хорижий иқтисодчи олим Л.В. Гусарованинг фикрича, нотижорат ташилотининг устав ва тадбиркорлик фаолиятининг концептуал асосларини

аниқлаштириш асосида фаолият турлари ҳамда молиялаштириш манбаларининг тахлилий ҳисоби ва оператив назоратини ташкил этиш муҳим ҳисобланади [6]. Шу билан бирга М.В. Батурина, П.Ю. Гамольскийлар нотижорат секторидаги тор доирадаги йўналишларда тадқиқот масалалари - нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоб сиёсатини тузиш ва аудит қилиш методологиясини шакллантириш муҳим вазифалар сифатида эътироф этган [7].

Бошқа бир гуруҳ иқтисодчи олимларимиз хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ҳисоб сиёсатини тузиш уларда қўлланиладиган ҳисоб усуллари юзасидан илмий таҳлил қилиб ўз фикрларини таъкидлаб ўтишган. Республикамизда ННТлар фаолияти кенг тараққий этмаганлиги ва нисбатан кам ўрганилганлиги сабабли айрим иқтисодчи олимларимизнинг илмий асарларида ННТлар ҳисоб сиёсати ва ишчи счётлар режасини тузиш масалалари етарли даражада ёритилмаган. Аммо, мамлакатимизда умумий бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этишнинг назарий ҳамда услубий жиҳатларининг муаммолари, шу жумладан ННТнинг айрим умумий бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари тўғрисида А.А.Каримов, А.Х.Пардаев, Б.А.Ҳасанов, И.Н.Қўзиев, А.Авлоқулов, И.К.Очилов, К.Б.Ўразов, Э.Ф.Гадоев, Ш.У.Ҳайдаров каби олимларнинг илмий асарларида тадқиқ қилинган [9].

Юқорида таъкидланган фикрлардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимларнинг фикрларига асосан хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳисоби моҳияти ва уларни қўллаш мақсадлари ёритилган. Бироқ, ННТлар ҳисоб сиёсати ва ишчи счётлар режасини тузиш масалалари ва уларнинг муаммоларига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Натижалар. Илмий тадқиқотни амалга оширишда ННТда ҳисоб сиёсати ва ишчи счётлар режасини тузиш масалалари билан боғлиқ операциялар

ҳисоби борасидаги иқтисодчи-олимларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Мунозара. Бугунги кунда барча хўжалик юритувчи субъектлар "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 11-моддасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга ошириши белгиланган. Шундай қилиб, ННТларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш масъулияти унинг раҳбари зиммасига юклатилади.

Ушбу вазиятда бухгалтерия ҳисобини юритиш кимнинг зиммасига юклатилганидан қатъий назар, ННТ бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ички регламенти – *махсус ҳисоб сиёсати*га эга бўлиши лозим. Ушбу талаб барча ташкилотлар сингари, шу жумладан ННТлар фаолиятининг ҳам зарурий шарти ҳисобланади.

Тижорат ташкилотлари учун белгиланган айрим умумий хусусиятлардан келиб чиқиб мос равишда ННТда ҳисоб сиёсатини шакллантириш 1-сонли БҲМСдаги тартиб-қоидалар татбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан келиб чиқиб ННТ хўжалик юритувчи тижорат ташкилоти бўлмасда, улар фаолиятида бухгалтерия ҳисобининг турли тартибга солинмаган масалаларини айнан махсус ҳисоб сиёсатида қайд этиш лозим. Ушбу ННТларнинг бухгалтерия ҳисоби концепциясида 1-сонли БҲМС ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботининг асоси бўлиши керак бўлган тушунчаларни, молиявий ҳисоботларнинг мазмуни ва минимал талабларини назарда тутди [15].

"Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" номли 1-БҲМС ННТларга нисбатан тўлиқ умумий ҳолда, қачонки

даромад олиш билан боғлиқ бўлган битимлар фақатгина ННТ тижорат фаолияти билан шуғулланадиган бўлса ва фақатгина шу тижорат фаолияти доирасида қўлланилиши мумкин. Масалан, “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” стандартига кўра “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” 2-илова [5] нотижорат фаолият учун қўлланилмайди, чунки у ҳисоботнинг ишончлилигини таъминламайди. Ушбу ҳисобот шаклини ўрнига нотижорат фаолият натижаларини акс эттириш учун ишлаб чиқилган “ННТ мақсадли тушумлари ва улардан фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисобот” [10] махсус шаклидан фойдаланишни тавсия этамиз.

Тижорат фаолияти натижаларини акс эттириш учун даромад ва харажатларни тақсимлаш тамойилига амал қилиш керак, аммо бу хусусият нотижорат фаолиятнинг мақсади концепцияга қарама-қаршидир, бунда нотижорат фаолият даромад олишни эмас, устав вазифаларни ҳал этиш учун мавжуд бўлган молиялаштириш манбаларини сарф қилишдир.

Шунингдек, бундай тамойилни нотижорат фаолиятга татбиқ этишга нисбатан ҳисобот даврининг даромадлари ва харажатларига мувофиқ, тижорат фаолиятини акс эттиришда огоҳлантириш лозим. Ушбу тамойил ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги ушбу даврда мазкур ҳисобот даврида олинган даромадларга асос бўлган харажатларни акс эттиришини билдиради¹ деган мазмунда тавсифланади.

Шунинг учун даромад ва харажатларнинг нотижорат фаолиятига мос келиш тамойили қўлланилиши мумкин эмас, мақсадли тушумларни “даромадлар” деб таснифлаш ва ҳисобот даврининг мос равишда харажатларига ёзиш мумкин, бу эса молиявий

ҳисоботларимизни жиддий равишда нотўғри талқин қилинишига олиб келмайди. Шу нуқтаи назардан, фақат молиялаштириш манбаларининг мақсадли ишлатилиши ва харажатларнинг харажатлар сметасига мувофиқлиги ишлатилиши ҳақида мантиқан илмий таклифлар амалда тўғри келади. Бундай масалалар ННТнинг йиллик устав фаолияти бюджетини режалаштириш босқичи алоҳида кўриб чиқилиши лозим.

1-сонли БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”га мувофиқ ННТнинг раҳбари ҳисоб сиёсати қонун ҳужжатларга мос бўлиши, шунингдек молиявий ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш учун жавобгардир. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш бўйича - мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ННТларга татбиқ этилиши белгиланган. Амалиётдаги муаммоларни ўрганиш натижасида илк ташкил этилган ННТ юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан 90 кундан кечикмаган муддатда ўзлари танлаган ҳисоб сиёсатини расийлаштириш таклиф этилади.

“Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли 1-БҲМС мувофиқ *ҳисоб сиёсати деганда раҳбарнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усулларнинг йиғмаси тушунилади*- молиявий ҳисобот шу усулларга мувофиқ ва уларнинг қоидалари ва асосларига мувофиқ равишда тузилади. Ҳисоби сиёсатини шакллантиришда ҳўжалик субъекти томонидан танланган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжатларининг нашр қилинган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб ҳисобот даври давомида қўлланилади [119].

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига уларни гуруҳлаштириш усуллари ва ҳўжалик фаолияти фактларини баҳолаш, активлар қийматини сўндириш, ҳужжатлар айланиши ва инвентаризациялашни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия

¹ 1-БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”нинг 31-банди.

ҳисоби счётларини қўллаш усуллари, ҳисоб регистрлари тизимлари, маълумотларни қайта ишлаш ва бошқа тегишли усуллар, йўллар ва методлар киради [10, 15]. Календар йили давомида ННТ ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритилмайди.

Амалдаги ҳолатларни ўргани шуни хулоса қиламизки ННТлар ҳисоб сиёсатига қуйидаги ҳолларда ўзгартиришлар киритилиши мумкин:

1. ННТ қайта ташкил этилганда (қўшилганда, ажралиб чиққанда, бирлашганда);

2. ННТ таъсисчи ва аъзолари алмашганда;

3. ННТлар фаолиятига боғлиқ Ўзбекистон Республикаси қонунлари ёки бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий тизимда ўзгаришлар бўлганда;

4. ННТ учун бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилганда.

Ҳар бир ННТ ҳисоб сиёсатида киритадиган ўзгартиришлар асосли бўлиши ва раҳбарнинг тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш ва бошқалар) билан расмийлаштириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган ҳолатда ҳисоб сиёсатида ўзгартиришлар оқибати қийматда ифодаланган ҳолда баҳоланиши лозим ва ушбу жараён субъектнинг бухгалтерия ҳисоби юритишнинг ўзгартирилган усуллари қўлланиладиган санадаги (ойнинг 1 санаси) текширилган маълумотлари асосида амалга оширилади.

Ҳисоб сиёсатини биринчи марта шакллантираётган ННТлар учун қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

қонунчиликда ташкилот томонидан икки ёки ундан ортиқ вариантдан бирини танлаши лозим бўлган нормаларни ҳисоб сиёсатида акс эттириши лозим, яъни қонунчиликда танлаш учун вариантлар мавжуд бўлмаганда Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси

матнларидан кўр-кўрона кўчириб ёзиш керак эмас;

ташкилотда амалга оширилиши кўзда тутилмаган молиявий-хўжалик операциялари бўйича ҳисоб сиёсатида ҳисоб юритиш вариантларини акс эттириш керак эмас, ушбу молиявий-хўжалик операциялари вужудга келганда ушбу тартибни тўлдириш мумкин;

агарда жорий йилда амалда бўлган ҳисоб сиёсати ташкилотни тўлиқ қаноатлантирса, келгуси йил учун ҳисоб сиёсати шакллантирмаслиги мумкин. Ҳисоб сиёсатининг амал қилиш муддатини узайтириш лозим;

ҳужжатлар айланиши бўлимини шакллантиришда масъул шахсларнинг исм-шарифи эмас, уларнинг лавозими кўрсатилиши лозим, чунки йил давомида ҳисоб сиёсатида ходимнинг лавозими ўзгариши ёки ишдан бўшаши муносабати билан ўзгартиришга йўл қўйилмайди;

ННТларнинг алоҳида бўлинмалар учун (агар улар мавжуд бўлса) алоҳида тартиб белгиланиши керак эмас.

“Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” 1-сонли БХМС нормаларидан келиб чиқиб махсус ҳисоб сиёсати ННТнинг барча таркибий бўлинмаларида (жумладан, алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларида) уларнинг қаерда жойлашганидан қатъий назар қўлланилади.

ННТлар махсус ҳисоб сиёсати таркибида қуйидаги элементлар [10] тасдиқланиши тавсия этилади:

1. Ҳисоб ва ҳисоботнинг ўз вақтидалиги ва тўлиқлиги талабларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш учун зарур синтетик ва аналитик счётлардан ташкил топган бухгалтерия ҳисоби ишчи счётлар режаси;

2. ННТлар мулклари шаклланиши манбалари ҳисоби хусусиятлари;

3. Хизмат сафари харажатлари ҳисоби тартиби;

4. Ташкилотнинг активлари ва мажбуриятлари инвентаризациясини ўтказиш тартиби ва муддатлари;

5. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш усуллари;

6. Бошланғич ҳисоб хужжатлари шакллари;
7. Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобини ташкил этиш ҳамда амортизация ҳисоблаш усуллари;
8. Ҳужжатлар айланиши қоидалари ва ҳисоб маълумотларни қайта ишлаш технологияси;
9. Товар-моддий бойликларни қабул қилиш ва чиқариш тартиби, алоҳида турдаги мулклар бўйича бошқариш ҳукуқи берилган шахслар доирасини белгилаш ва бошланғич ҳисоб хужжатларига имзо қўйиш ҳукуқига эга икки шахс рўйхатини тасдиқлашни ўз ичига олган хўжалик операциялари устидан ички назорат тартиби;
10. Молиявий ҳисоботга тушунтиришларда очиб беришлар;
11. Харажатларни гуруҳлаш ва уларнинг ҳисоби;
12. ННТда бухгалтерия ҳисобини

ташкил қилиш учун зарур бошқа қарорлар.

Ҳисоб сиёсатининг барча талаблари қайси фаолият билан шуғулланишидан қатъий назар барча тижорат ва нотижорат ташкилотлар, шу жумладан, ННТлар учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисоб сиёсатининг асосий элементларидан бири бу махсус **бухгалтерия ҳисоби ишчи счётлар режасини тузиш ва уни қўлланилиши** ҳисобланади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб ННТлар молия – хўжалик фаолияти ҳисоб операцияларни аниқ акс эттириш ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини ҳаққонийлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш мақсадида ННТларнинг махсус бухгалтерия ҳисоби ишчи счётлар режаси ишлаб чиқилди ҳамда амалиётда фойдаланишга таклиф этилди (1-жавдал).

1-жавдал

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРДА МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ИШЧИ СЧЁТЛАР РЕЖАСИ²

Счётлар т/р	Счётлар номи	Счётлар тури
I ҚИСМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР		
I БЎЛИМ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДДИЙ ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР		
0100	Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар	А
0200	Асосий воситаларнинг ескиришини ҳисобга олувчи счётлар	КА
0300	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар	А
0400	Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар	А
0500	Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар	КА
0600	Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар	А
0700	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар	А
0800	Капитал қуйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар	А
0900	Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	А
II ҚИСМ. ЖОРИЙ АКТИВЛАР		
II БЎЛИМ. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР		
1000*	Материалларни ҳисобга олувчи счётлар	А
1500	Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи счётлар	
1600	Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар	А
2000	Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар	
2010	ННТ тадбиркорлик фаолияти бўйича асосий ишлаб чиқариш	

² Муаллифнинг илмий изланишлари, 2025 й.

2100	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар	A
2110	ННТ тадбиркорлик фаолияти бўйича ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар	
2200**	Мақсадли дастурлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи ёрдамчи счётлар	A
2210*	Мақсадли дастурларни амалга ошириш бўйича харажатлар	
2211*	№1 мақсадли дастур бўйича харажатлар	
2212*	№2 мақсадли дастур бўйича харажатлар	
2220*	Моддий-техник базани ривожлантириш бўйича харажатлар	
2300	Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар	A
2310	ННТ тадбиркорлик фаолияти бўйича ёрдамчи ишлаб чиқариши	
2500	Умумишлабчиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар	A
2510	ННТ тадбиркорлик фаолияти бўйича умумишлаб чиқариш харажатлари	
2600	Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар	A
2610	Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар	
2700	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётлар	A
2710	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар	
2900	Товарларни ҳисобга олувчи счётлар	A
2910	Омбордаги товарлар	
2990	Бошқа товарлар	
*Материаллар ва мақсадли дастурлар бўйича харажатлар бухгалтерия ҳисобида уларни гуруҳлари ва сақлаш (ўтказиш) жойлари бўйича аналитик ҳисобни юритиш имконини берувчи қўшимча суб счётларни очишимиз мумкин. **21 БҲМСнинг ишчи счётлар Режасида бўш турган қўшимча счётларни, баланс маълумотларини бузмасдан ННТ мақсадли маблағларининг сарфланиши учун аналитик ҳисоб юритишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу счётнинг қолдиқлари 8800 "Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счёт"лар билан ҳар ойда ёпиб борилади.		
III БЎЛИМ. КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР - ЖОРИЙ ҚИСМИ		
3100	Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар	A
3200	Кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	A
3210	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи	
3220	Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар	
3290	Бошқа кечиктирилган харажатлар	
IV БЎЛИМ. ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР - ЖОРИЙ ҚИСМИ		
4000	Олинадиган счётлар	a
4100	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар	a
4200	Ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар	a
4220**	Хизмат сафарларига берилган бўнаклар	
4300	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар	A
4400	Бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар	A
4411***	Жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича бўнака тўловлари	
4412***	ҚҚС бўйича бўнак тўловлари	
4413***	Фойда (даромад) солиғи бўйича бўнак тўловлари	
4414***	Мулк солиғи бўйича бўнак тўловлари	
4415***	Ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи бўйича бўнак тўловлари	
4500	Мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар	A

4600****	Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар	А
4700	Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар	А
4800	Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётлар	А
4900	Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисобга олувчи счётлар	КА
* ННТ аналитик ҳисобни юритиш учун қўшимча счётлар очиши мумкин: - 4100 Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган баланс счёти бўйича, - 4121 уставда белгиланган мажбуриятларни бажариш учун тўловлар олиш; - 4122 мақсадли молиялаштириш дастури бажарилиши бўйича тўловлар олиш; - 4123 ривожлантириш дастурлари бўйича тўловлар олиш; - 4129 бошқа ҳисоблашишлар бўйича тўловлар олиш. - 4890 бошқа дебиторлик қарзлари баланс счёти бўйича юқорида ишчи режада келтириб ўтилган тарзда аналитик счётлар очиш тавсия қилинади, масалан: *** ННТ тадбиркорлик фаолиятини бўйича бундай аванс тўловларини бухгалтерия ҳисобида аналитик ҳисобини юритиш учун киритилиши тавсия этилган.		
V БЎЛИМ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, ҚИСКА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР		
5000	Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	А
5100	Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	А
5200	Чет ел валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	А
5500	Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	А
5600	Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар	А
5700	Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)ларини ҳисобга олувчи счётлар	А
5800	Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар	А
5900	Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар ва бошқа жорий активларни ҳисобга олувчи счётлар	А
* ННТнинг тижорат банкида икки ва ундан ортиқ ҳисоб-китоб рақамлари бўлиши мумкин ва уларни банкдаги аҳолини тезкор назорат қилиш мақсадида субсчётлар очиш мумкин. ** ННТда пул эквивалентлари сифатида, хат ёзиш учун сотиб олинган почта маркалари, шунингдек, ҳисоб-китоб операциялари учун тўлов воситаси сифатида хизмат қилувчи, банклар ва ташкилотлар томонидан чиқариладиган электрон корпоратив карталар бўлиши мумкин.		
III ҚИСМ. МАЖБУРИЯТЛАР		
VI БЎЛИМ. ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР		
6000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	П
6100	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар	П
6200	Кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар	П
6300	Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар	П
6400	Бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар	П
6500	суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар	П
6700	Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар	П
6800	Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар	П
6900	Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар	П
* ННТ ҳар бир аниқ дастурнинг бажарилиши бўйича аналитик ҳисобни юритиш учун қўшимча субсчётлар очиши мумкин: - 6121 уставда белгиланган мажбуриятларни бажариш учун тўловлар; - 6122 мақсадли молиялаштириш дастури бажарилиши бўйича тўловлар; - 6123 ривожлантириш дастурлари бўйича тўловлар; - 6129 бошқа ҳисоблашишлар бўйича тўловлар. ** ННТ тадбиркорлик фаолиятини бўйича бундай солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисобланиши ва		

тўланишинининг аналитик ҳисобини юритиш учун киритилиши лозим. *** Ушбу ҳисоб-китоблар гуруҳи “Юридик шахсларга солиқлар, божхона тўловлари ва йиғимлар бўйича берилган имтиёзларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги” Низомга (АВ №3590, 25.12.2024й) мувофиқ ННТга солиқ имтиёзлари мавжудлиги учун солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисобини акс эттириш учун киритилди.		
VII БЎЛИМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР		
7000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар	П
7100	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарз	П
7200	Кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар	П
7300	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар	П
7800	Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар	П
7900	Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар	П
IV ҚИСМ. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ		
VIII БЎЛИМ. КАПИТАЛ, ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА ВА РЕЗЕРВЛАР		
8300*	Устав капитални ҳисобга олувчи счётлар	П
8400*	Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётлар	П
* Бундан келиб чиқиб таъсисчилар олдида уларнинг қўшган улушига қараб мулкдан фойдаланиш(улуш олиш) мажбурияти пайдо бўлади. Юридик шахс сифатида қараганда ННТ Қонунчилигига асосан ННТ таъсисчилари ўртасида фаолиятдан олинган даромадлари ва мулклари тақсимланмаслиги ёки бўлинмаслиги келтириб ўтилган. Бу эса ўз навбатида ННТ таъсисчилари қўшган улушлари бўйича ҳеч қандай ҳуқуқий фойдаланиш маъносини ангалатмайди.		
8500	Резерв капитални ҳисобга олувчи счётлар	П
8600	Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётлар	КП
8700	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётлар	КП
8800	Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар	П
8810	Грантлар	
8811	Давлат томонидан берилган грантлар	
8812	Мақсадли ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун бюджетдан ташқари фондлардан берилган грантлар	
8813	Хорижий ҳамкор давлатлардан олинган грантлар	
8814	Халқаро ташкилот ва фондлардан олинган грантлар	
8820	Давлат томонидан берилган субсидиялар	
8830	Аъзолик бадаллари	
8831	Таъсисчилар ва аъзоларнинг кириш бадаллари	
8832	Мунтазам жорий аъзолик бадаллари	
8833	Бир марталик аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса	
8840	Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари	
8841	Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари;	
8842	Мақсадли фойдаланадиган ягона ижтимоий тўлов имтиёзлари;	
8843	Мақсадли фойдаланадиган ижтимоий суғурта бадали имтиёзлари;	
8844	Мақсадли фойдаланадиган божхона тўлови имтиёзлари;	
8850**	Асосий воситалар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари	
8860**	Номоддий активлар (шу жумладан амортизация харажатлари) манбалари	
8870	Хайрия ва еҳсон тушумлари	
8871	Ижтимоий хайрия тадбирларидан тушган еҳсон тушумлар	
8872	Мерос тартибида берилган хайрия мол-мулклар манбалари	
8890	Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа мақсадли тушумлар	
8891	Таъсисчилар ва аъзоларнинг кириш бадаллари	

8892	Хорижий валютада олинган бадаллар бўйича курс фарқлари	
8900	Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи счётлар	П
* ННТ уставида белгиланган асосий фаолият вазифаларини бажариш мақсадида қўшимча тадбиркорлик фаолияти олиб боришида молия-хўжалик операцияларини аналитик ҳисобини юритиш учун таклиф етилади. ** ННТда асосий восита ва номоддий активлар мақсадли тушмлар ҳисобига сотиб олинганлиги ва ҳисобланган амортизация суммалари ҳамда уларнинг ескиришини ҳисобга олувчи алоҳида счётларда (0200) тегишли суммаларни жамғариш йўли билан бухгалтерия ҳисобида акс еттирилишига аниқлик киритиш учун тавсия етилади.		
V ҚИСМ. ННТ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ		
IX БЎЛИМ. ННТ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР		
9000	Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар	Т
9100	Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар	Т
9200	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар	Т
9300	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар	Т
9370	ННТ уставдаги асосий вазифаларни бажаришда тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар	Т
9371	ННТ маҳсулотлар (товар ва иш, хизматлар) сотишдан даромадлар	Т
9372	ННТ мулкни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар	Т
9373	ННТ ўз устави доирасида мулкни оператив ижарага беришдан олинган даромадлар;	Т
9374	ННТ ўз устави доирасида мулкни молиявий ижарага беришдан олинган даромадлар;	Т
9375	ННТ ўз устави доирасида роялти кўринишидаги даромадлар	Т
9376	ННТ Двидентлар ва фоиз кўринишидаги даромадлар;	Т
9379	ННТ уставдаги асосий фаолият учун бошқа тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар	Т
9400	Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар	Т
9500	Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар	Т
9600	Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	Т
9700	Фавқуллоддаги фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар	Т
9800	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар	Т
9900	ННТ якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар	Т
*ННТ қўшимча тадбиркорлик фаолияти олиб боришида молия-хўжалик операцияларини ҳисобини юритиш учун фойдаланилади		
VI ҚИСМ. ННТ БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁТЛАР		
001	ННТ оператив ижарага олинган асосий воситалар	3
005	ННТ ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар	3
006	ННТ қатъий ҳисобот варақлари	3
008	ННТ мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш - олинган	3
009	ННТ мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш - берилган	3
010	ННТ молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар	3
011	ННТ ссуда шартномаси бўйича олинган мулк	3
014	ННТ фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари	3

Нодавлат

нотижорат

ташкilotларида бухгалтерия ҳисобини

ташкил этиш ва ҳисоботини тузиш бўйича махсус меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бу фаолиятга таълуқли бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, ННТлар барча юридик шахслар учун умумий бўлган қоидаларга амал қилиб келмоқдалар. Шу билан бирга, тижорат ва нотижорат ташкилотларнинг ташкил этилиши ва фаолиятининг мақсадлари тубдан фарқ қилади. Бу эса БҲМСни ННТга қўлланилиши нотижорат фаолиятнинг моҳиятига нисбатан ҳар бир стандартни чуқур иқтисодий тушунишни талаб қилади.

Ҳар бир тижорат ва нотижорат ташкилотлари учун молиявий-ҳўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси, молиявий ҳисобот элементларига мувофиқ гуруҳлаштирилган молиявий ҳисобот элементларининг йиғиндисини ташкил этади: яъни, активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар ва харажатлардан ташкил топади. Бунда ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий-ҳўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси асосида ҳўжалик операциялари бўйича бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режасини тузадилар, бунда ҳўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб счётларида барча ҳўжалик операциялари акс эттиришга имконият яратади.

Бухгалтерия ҳисоби счётларининг иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб, ННТ учун 21-сонли БҲМСдан келиб чиқиб, ишчи счётлар режасида бўш турган қўшимча счётларни ННТ фаолиятидаги ҳўжалик операцияларининг хусусиятига мослаштириб, махсус ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиш ва ундан келиб чиқиб синтетик ва аналитик ҳисобни юритиш мақсадида фойдаланиши мумкин [10].

Ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиш - ННТларда ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг муҳим жараёни ҳисобланади.

ННТлар ишчи счётлар режасини

шакллантириш қуйидагиларни дастлабки ўрганишни талаб қилади:

1. Ташкилий тузилма;
2. Мол-мулклар шаклланиши манбалари;
3. Маълумот олиш мақсадида кейинги йил учун оператив-молиявий режаси тузилмаси (бюджети, сметаси):
мақсадли тушумнинг манбалари ҳақида;
тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг зарурати ҳақида.
4. Молиявий, бошқа ички ва ташқи ҳисоботлари шакллариининг тузилмаси ва мазмуни.

ННТлар бухгалтерия ҳисоби ишчи счётлар режасини ишлаб чиқишда бошқа ҳужжатлар нормаларига, масалан, 1-сонли илова "Ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий-ҳўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари" ва 2-сонли илова "Ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий-ҳўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасини қўллаш бўйича Йўриқнома"ни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси 21-сонли БҲМС "Ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий-ҳўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома"га асосланиши мумкин.

ННТлар бухгалтерия ҳисоби ишчи счётлар режасини тайёрлашда ҳисоб юритиш учун зарур ва ННТлар фаолияти хусусиятини очиб берувчи счётларни аниқлаш лозим. Юқорида таъкидлаб ўтилган 21-сонли БҲМСда бу турдаги счётлар назарда тутилмаган бўлиши мумкин, лекин иқтисодий мазмуни ва қўлланилиши бўйича уларни счётлар режасининг мос бўлимига ва ҳисоб счётларининг конкрет гуруҳига киритиш мумкин.

Амалмётда ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий-ҳўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасини қўллаш бўйича Йўриқномада баён қилинган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби тартиби мос кўрсаткичларни молиявий ҳисоботда

объектив акс эттиришнинг имкони мавжуд, моддий бойликлар харажати ва мақсадли тушумлар ҳисобининг ўзига хослиги бундан мустасно. Бироқ, 21-сонли БХМСда назарда тутилган узоқ муддатли активлар, пул маблағлари, товар-моддий захиралари ҳисоби бўйича асосий счётлар гуруҳи намунали ҳисобланади ва ННТ ишчи счётлар режасига ўзгаришсиз киритилиши мумкин.

Бунда ННТ ҳисоб сиёсатида таъсис шартномасига асосан ва донор мамлакатларнинг қайтармаслик шарти билан (текинга) техник ёрдами доирасида мақсадли фойдаланишга олинган мулк бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобни ташкил этишни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ, булар:

ННТ тегишли объектлар;

ННТ иш фаолияти билан боғлиқ техникалар;

ННТ бино ва бошқа мулклар;

ННТ мақсадли тушумлари ҳисобига сотиб олинган мулклар;

мақсадли дастурларни бажаришдан қайтармаслик шарти билан (текинга) олинган моддий бойликларни ННТнинг ўз эҳтиёжи учун сотиб олган моддий бойликлар.

Мақсадли ишлатиш мақсадида сотиб олинган асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобини юритиш учун ННТ ишчи счётлар режасида қуйидаги счётларни қўллаш тавсия этилади:

0821 “Мақсадли ишлатиш учун асосий воситаларни сотиб олиш”

0831 “Мақсадли ишлатиш учун номоддий активларни сотиб олиш”.

Ҳада шартномаси асосида қайтармаслик шарти билан (текинга) олинган асосий воситалар кирими **0822 “Қайтармаслик шарти билан (текинга) асосий воситаларни олиш”** счётда акс эттирилиши таклиф этилади.

Агар таъсис ҳужжатларида таъсисчилар ва аъзоларнинг мулкӣ ҳиссалари бўйича қарзлар белгиланган бўлса, ННТ махсус счётлар режасида бошқа дебиторлик қарзларни ҳисобга

олувчи счётлар (4890) таркибида қуйидаги алоҳида счётларни очиш таклиф этилади:

4891 “Таъсисчилар ва аъзоларнинг кириш бадаллари бўйича қарзлари”;

4892 “Таъсисчилар ва аъзоларнинг аъзолик бадаллари бўйича қарзлари”;

4893 “Асосий воситаларни киритиш (шу жумладан, таъсисчилар ва аъзоларнинг ҳиссалари) бўйича қарзлари”;

4894 “Номоддий активларни киритиш (шу жумладан, таъсисчилар ва аъзоларнинг ҳиссалари) бўйича қарзлари”;

4899 “Бошқа мақсадли тушумлар бўйича қарзлар”;

Зарур ҳолларда хизмат сафарларига берилган бўнақларини ҳисобга олувчи счётлар (4220) бўйича қуйидаги счётларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

4221 “Ўзбекистон ҳудудидаги хизмат сафарларига берилган бўнақлар”;

4222 “Хорижий давлатларга хизмат сафарларига берилган бўнақлар”.

ННТ харажатлари ҳисоби бўйича қуйидагиларни таъкидлаш муҳимки, агарда мақсадли дастурни бажаришда бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари оператив-молиявий режада (бюджет, смета) кўрсатилган бўлса, уларнинг ҳисобдан чиқарилиши аниқ мақсадли дастур ҳисобига амалга ошириш тавсия этилади.

Хулоса.

Ушбу мақоламизда нодавлат нотижорат ташкилотларида ҳисоб сиёсати ва ишчи счётлар режасини тузишнинг муаммоли жиҳатлари ва улар ҳисобини такомиллаштириш масалалари атрофлича ёритилди. Юқоридагилардан келиб чиқиб ННТларда ҳисоб сиёсатини ва ишчи счётлар режаси тузишни такомиллаштириш юзасидан қуйидагича таклиф ва тавсиялар бериш мақсадга мувофиқдир:

1. Бугун кунда бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари бирор бир мақсадли дастурда кўрсатилмаган бўлса, ННТ бошқарув аппаратини сақлаш харажатларини тақсимлаш тартибини ташкилот ҳисоб сиёсатида акс

этирилиши тавсия этилади. Бир канча мақсадли дастурлар амалга оширилганда ва улар ҳар хил манбалар ҳисобига комбинациялашган шаклда молиялаштирилганда ишчи счётлар режасида мақсадли нотижорат дастурлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётларни ҳам очиш зарур, масалан, мақсадли дастурлар бажарилиши харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (2200). Ушбу счётлар транзит ҳисобланади, ҳисобот даври охирида дастурлар бўйича харажатлар тегишли манбалари бўйича мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётларга ўтказилади. Агар бажариладиган дастурлар сони кўп бўлмаса ва уларнинг ҳар бири конкрет бир молиялаштириш манбаси билан боғлиқ бўлса, бу ҳолда нотижорат фаолият бўйича харажатларни бевосита тегишли молиялаштириш манбаларига ҳисобдан чиқариш мумкин.

2. ННТ фаолияти хусусиятига мувофиқ ишчи счётлар режасида қўшимча равишда мақсадли тушумлар (8800), дебиторлик қарзлар (4890), мақсадли дастурлар бажарилиши харажатларини ҳисобга олувчи счётларда (2200) юритишни кўзда тутиши таклиф этилади,

3. ННТда асосий фаолият ва бошқа

қўшимча фаолиятларни юритишда учун хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс этирувчи махсус ишчи счётлар режаси (1-жадвал) да келтирилган тартибда юритилишини таклиф этамиз.

4. ННТ мақсадли дастурларни амалга ошириши учун мақсадли дастурлар бажарилиши харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (2200) гуруҳи очиш тавсия этилади. Чуқур илмий мулоҳазалар асосида ННТ мақсадли дастурлари бажарилишидаги харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2200) қолдиғи ҳар ойда тегишли мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар (8800) билан ёпилиши таклиф этилади ва бу илмий амалий жиҳатдан асосли ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган муаммоларнинг бартараф этилиши ННТлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янада такомиллашувига хизмат қилиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисоб сиёсати ва ишчи счётлар режасини тузиш тартиби ҳамда ҳисоб юритиш жараёнларини бухгалтерия ҳисобида шаффоф акс этирилишига имконият яратилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыш. - Тошкент: «Ўзбекистон», НМИУ, 2017. - 488 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" Қонуни (янги таҳрири), ЎРҚ №404-сон, 2016 йил 13 апрель. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 14 апрелдаги 73 (6508)-сони.
3. Ўзбекистон Республикаси "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни, №763-І сонли 14.04.1999 йил.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston-2030» strategiyasi to'g'risida PF-158-son farmoni. 11.09.2023y.
5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 8 октябрдаги 181-сон буйруғига билан тасдиқланган "Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ҳамда уларнинг таркиби ва мазмуни тўғрисидаги" Низом, АВ руйхат рақами №3567, 04.11.2024 йил.
6. «Юридик шахсларга солиқлар, божхона тўловлари ва йиғимлар бўйича берилган имтиёзларни бухгалтерия ҳисобида акс этириш тартиби тўғрисидаги» Низом. АВ руйхат рақами №3590, 25.12.2024 йил.
7. Гусарова Л.В. Концепция бухгалтерского учета, аудита и анализа в

некоммерческих организациях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Казань. Ёшкор-Ола, 2010. – 36 стр.,

8. Батурина М.В. Бухгалтерский учет целевого капитала НКО. (Журнал «Финансовые и бухгалтерские консультации», №5, май 2007 г.

9. Hojiyev M.S. "Accounting in non-state non-profit organizations (NSNPO): integrity and impact analysis". International Journal of Economics, Commerce and Management. ISSN 23480386. Vol VI issue 2 (Impact Factor:4.313). 2018/page79-85 <http://ijecm.co.uk/wp-content/uploads/2018/02/626.pdf>. 2018.

10. Khojiyev Mekhriddin Sulaymonovich. Improvement of Audit of Payment in Non-State Non-Profit Organizations (NSNPO). International Journal On Economics, Finance and Sustainable Development/Vol. 4 No.2 (2022): IJEFSD/<https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/2710/2587/>

11. Hojiyev M.S. «Nodavlat notijorat tashkilotlarida buxgalteriya hisobi va audit metodologiyasini takomillashtirish». Iqtisodiyot fanlari doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan avtoreferat. Toshkent - «Publishing high future», 2025 y. 84b.

12. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.